

## **Қашқадарё вилоятида туризм ва дам олиш соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**



Бугунга келиб туризмнинг ҳаётимизда нақадар муҳим ўрин тутиб, давлат миқёсида устивор йўналишлардан бирига айланаётганини соҳада олиб борилаётган ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунлар, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкил этилиши каби ислоҳотларда ўз аксини топмоқда.

Кўйидаги жадвалда Қашқадарё вилоятидаги меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳақида йиллар кесимида маълумот келтирилган.

**Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, бирлик.**

### **I-жадвал**

|                 | Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, бирлик | Улардаги объектлар, бирлик | Жойлаштирилган шахслар сони, киши |
|-----------------|---|----------------------------|-----------------------------------|
| <b>2015 йил</b> | 26  | 29                         | 33736                             |
| <b>2016 йил</b> | 30  | 33                         | 49708                             |
| <b>2017 йил</b> | 30  | 34                         | 50059                             |




2017 йилда фаолият юритган туристик фирмалар томонидан хизмат кўрсатилган шахслар сони 2016 йилда **9,2** минг нафар бўлган бўлса, 2017 йилда улар сони **9,5** минг нафарни ташкил қилди. Мехмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони

2016 йилда **30** та, улардаги объектлар сони 33 та бўлган бўлса, 2017 йилда Мехмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 30 тани, улардаги оюъектлар сони 34 тага етди.

**2017 йилда сафар мақсадлари бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахсларнинг тақсимланиши  
(минг киши)**

3-расм



2017 йилда фуқароларнинг 6669 нафари таътил ва дам олиш мақсадида, 286 нафари қариндошларни йўқлаш, 196 нафари таълим олиш мақсадида, 555 нафари даволаниш, 4509 нафари зиёрат қилиш мақсадида, 2137 нафари бошқа шахсий ва 35707 нафари иш юзасидан ва касбга оид мақсадларида жойлаштирилган.

## **2017 йилда меҳмонхоналарнинг тоифаси (юлдузи) бўйича фаолияти.**

### 3-жадвал

|              | <b>Мехмонхоналар сони,<br/>бирлик</b> | <b>Улардаги объектлар,<br/>бирлик</b> |
|--------------|---------------------------------------|---------------------------------------|
| <b>Жами:</b> | 29                                    | 34                                    |

|                                |    |    |
|--------------------------------|----|----|
| <b>1 юлдузли</b>               | 12 | 12 |
| <b>2 юлдузли</b>               | 2  | 2  |
| <b>3 юлдузли</b>               | 7  | 9  |
| <b>4 юлдузли</b>               | 1  | 1  |
| <b>Тоифага эга бўлмаганлар</b> | 7  | 9  |

2018 йил 1 январь ҳолатига Қашқадарё вилоятида 30 та меҳмонхона фаолият юритган. Шу жумладан тоифалари бўйича 1 юлдузли меҳмонхоналар сони 12 тани, 2 юлдузли меҳмонхоналар 2 тани, 3 юлдузли меҳмонхоналар 7 тани, 4 юлдузли меҳмонхоналар 1 тани ташкил қилмоқда. Бундан ташқари тоифага эга бўлмаганлари сони 7 тадан иборат.